

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал

ISSN-2181-8274

3/2016

ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИИ
духовно-просветительский и научно-методический журнал

EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION
spiritual-enlightenment, scientific and methodical journal

Ushbu sonda:

- ✓ Ekologik ta'lim
- ✓ Ta'lim taraqqiyoti
- ✓ Ta'limda kasbga yo'llash
- ✓ Kadrlar malakasini oshirish
- ✓ 2016 - Sog'lom ona va bola yili
- ✓ Ta'lim samaradorligini oshirish
- ✓ Ta'limda uzviylik va uzluksizlik
- ✓ Sog'lom avlod – kelajagimiz poydevori
- ✓ Chet tillarini o'qitishda pedagogik qonuniyatlar
- ✓ Mustaqillik yillarida axborot-kommunikatsion texnologiyalar
- ✓ Yoshlarda odobni shakllantirish va estetik ko'rinishga erishish
- ✓ Zamonaviy pedagogik texnologiya va o'quv jarayonini loyihalash

16+

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал
1996 йилда ташкил этилган.

3/2016

Тахрир кенгаши раиси:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Касимов Рустам Сабинович

Бош мухаррир:

И.У. Мажидов

Вазирнинг биринчи ўринбосари

Тахрир кенгаши аъзолари:

М. Тожиёв

(бош мухаррир ўринбосари)

Салимов У.З.

Каримов М.М.

Ражабов Б.Ж.

Шарифходжаев У.У.

Рахимов Б.Х.

Маннонов А.М.

Санакулов Қ.С.

Ходиев Б.Ю.

Ризаев Ф.Х.

Сирожиддинов Ш.С.

Рахимов Ғ.Х.

Бузрукхонов С.М.

Каримов З.Й.

Бегимкулов У.Ш.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

Пардаев А.

Зикириллаев Х.

Маткаримов П.Ж.

Эшмуродов А.Т.

Хайдаров О.А.

Саидбоев З.А.

Курбанов Ш.

Тешаев О.Р.

Туробжонов С.М.

Ибрагимов М.М.

Нишонов Х.М.

Мирсоатова М.С.

Матайкубов А.

Сафоев Н.С.

Иноятов Ф.Ш.

Тахририят:

Умид Вахидов – масъул мухаррир,

Сайёра Гаджибаева – корректор,

Гули Эргашева – дизайнер

MUNDARIJA

MUSTAQILLIK YILLARIDA TA'LIM TARAQQIYOTI

А.С. Байдуллаев, Н.Х. Улуғмуродов. Мустақиллик йилларидаги
“Ахборот-коммуникацион технологиялар ва масофавий таълим”
тизими ривожини..... 5

А. Нигматов, У. Вахидов, Г. Нигматова. Мустақиллик йилларида таълим
соҳасини модернизация қилишда инфографиканинг ўрни..... 10

TA'LIMDA UZVIYLIK VA UZLUKSIZLIK

А.А. Ходжаев, А.А. Хошимов. Национальные квалификационные
Рамки – современный, эффективный инструмент обеспечения интеграции
и унификации квалификаций..... 14

М.Х. Карамян, Р.Р. Файзиев. Мониторинг в системе управления
качеством непрерывного образования..... 18

С.Қораев. Фанлараро узвийлик ва ўзаро алоқани таъминлашнинг ўзига
хос хусусиятлари..... 23

TA'LIM TARAQQIYOTI

Р.Р. Ражаббаев. Таълим ва фан интеграциясини ривожлантиришнинг
услубий таъминоти..... 26

2016-YIL – “SOG'LOM ONA VA BOLA YILI”

К.Т. Шакиржанова. Юртимиз истиклолида соғлом она бахти-икболи
ва жисмоний тарбиядаги масъулиятлари..... 29

SOG'LOM AVLOD – KELAJAGIMIZ POYDEVORI

М.Ж. Давурбоева. Жисмоний тарбия жараёнида атроф-муҳитнинг асосий
иклим омилларининг ёшлар организмига таъсири муаммолари..... 36

YOSHLARDA ODOBNI SHAKLLANTIRISH VA ESTETIK KO'RINISHGA ERISHISH

А.Мирзахмедов. Ёшлар тарбиясига миссионерлик таҳдиди..... 40

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA O'QUV JARAYONINI LOYIHALASH

М.Ю. Маҳкамова, С.Абдалова. Ўқув машғулотларида
фойдаланиладиган тарбиялаш технологияси..... 44

З.Календарова. Савол-жавоб ва суҳбатлар асосида ўқув машғулотлари
мазмунини белгилаш ва амалиётга жорий этиш тамойиллари..... 47

Ф.Ж. Рўзиев. Мухандислик графикаси фани ўқув машғулотларида
модулли ўқитишдан фойдаланиш..... 51

Л.Саханова. Малака оширишда масофавий ўқитишнинг замонавий
метод, восита ва технологиялари..... 55

К.Р. Мамадалиев, М.Д. Хошимходжаева. Янги авлод ўқув
адабиётларининг электрон дарсликларини яратиш тамойиллари..... 60

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ “АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ” ТИЗИМИ РИВОЖИ

РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫЕ «ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИИ И ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ» В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ.

А.С. Байдуллаев, Н.Х. Улуғмуродов

Тошкент фармацевтика институти

Аннотация

Ушбу мақолада “Ахборот-коммуникацион технологиялар ва масофавий таълим” тизимининг мустақиллик йилларидаги умумий ҳолати ва Тошкент фармацевтика институти миқёсидаги ривожланишини ёритишга бағишланган бўлиб, унда шу соҳага тегишли қонунлар ҳамда институтда амалга оширилган ишлар қисқача ёритилган.

Калит сўзлар: таълим, ахборот, ахборот оқими, информацион жамият, ахборот-коммуникацион технологиялар, масофавий таълим, компьютер, компьютер тизими, Интернет.

Аннотация

В статье рассмотрены общие вопросы развития «информационно-коммуникационных технологий и дистанционного обучения» в Ташкентском фармацевтическом институте в годы независимости и проведенные мероприятия на основе законодательства по данной работе в институте.

Ключевые слова: образование, информация, поток информации, информационное общество, информационно-коммуникационные технологии, дистанционное обучение, компьютер, компьютерная система, Интернет.

Ўтган қисқа 25 йил мобайнида Ўзбекистон барча жабҳаларда ўзининг тараққиёт йўлидан бориб, кўплаб ютуқларга эришди ва эришмоқда. Шу жумладан, “Ахборот-коммуникацион технологиялар ва масофавий таълим” тизимининг ривожига ҳам эътибор давлат миқёсидаги даражага кўтарилди.

Чунки инсоният ривожини янги босқичга кўтарган, тамаддунлар бирлашувига, тезкорлик билан дунёнинг турли бурчакларидан туриб ахборот алмашинувига сабабчи бўлган Интернет қисқа муддат ичида миллионлаб инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. [1]

Мустақиллик йилларида ахборотлаштириш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ва мақсадли давлат сиёсати Ўзбекистонда миллий ахборот маконини ривожлантириш, ахборотлаштириш соҳасини ислох қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъмин-

лашга имкон бермоқда. Буни ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида бир қанча қонунлар, қарорлар ва фармонларнинг амалиётга тадбиқ этилиб келинаётганида ҳам кўриш мумкин. [5]

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2003 йил 11 декабрдаги 562-П-сон “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2004 йил 29 апрелдаги 611-П-сон “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-395-сон “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарор ва Фармонлари:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сон “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли Қарори

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг Қарор ва Фармонлари:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон “«Ziynet» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 198-сон “«Ziynet» таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. [6]

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация соҳасини жадал равақ топтириш, фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлиқтаминлаш борасида кенг қўламли ишла амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ахборот технологияларидан тўғри, унумли ва оқилон фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим ўрин тутди. [4]

Бутунжаҳон компьютер тармоғининг ривожланиши Интернет-дунё ўқитиш тизимини мукамаллаштиришда янги имкониятлар очди. Бу таълим муассасаларининг техника жихозланишида, уларнинг дунёвий ахборот ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларида ўқувчиларнинг фаол билим олиш асосланган ўқитишнинг янги шакли ва услуларида фойдаланишда, ҳамкорликда ўқитишда ўз аксини топмоқда.

XXI аср бошига келиб, инсоният ахборот телекоммуникацион тараққиёт келтири чиқарган, ахборот технологияларнинг тез таққалиши, натижасида қатор муаммоларга ҳа тўқнаш келди. Ўз навбатида инфосфера ном билан аталмиш янги умумжаҳон ахборот коммуникацион муҳит, таълим, мулоқот ва ишлаб чиқариш шакллари бошлади. [2, 190-191 бетлар]

Маълумки, информацион жамиятнинг таъкилий-технологик асосини “Интернет” ядриси бўлган умумжаҳон ахборот тармоғи таъкил этади. Бу жараёнлар ахборот оқимини тўхтовсиз алмашинуви, иқтисод соҳасида доимий ўзгаришлар ва аҳолининг турғулмаслиги натижасида ҳосил бўлади.

Бошқа томондан, иқтисодий ўзгаришлар мутахассислар тайёрлаш сифатида қўйиладиган талабга асосланган янги ижтимоий буюртманинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассислар тайёрлашда қуйидаги сифатлар биринчи даражали ҳисобланади, яъни:

- ўзгарувчан иқтисодий шароитларга т мослашиш имконияти;
- рўй бераётган жараёнларга яхши мослашиш;



MUSTAQILLIK YILLARIDA TA'LIM TARAQQIYOTI

– турли ижтимоий-маданий ва малакали гуруҳлар вакиллари бўлган кенг мутахасислар омаси билан ҳамжиҳатликда ишлаш қobiliяти;
– мулоқот жараёнида танқидий мулоҳаза юрита олиш ва мустақил қарор қабул қила олиш имконияти.


Мустақилликгача институтда 6 та компьютер бўлган бўлса ҳозирги вақтга келиб, институт

бўйича компьютерларнинг умумий сони 430 тага етди. Локал ва Интернет тармоғига уланган компьютерларнинг умумий сони 348 тани ташкил этди. Компьютер синфлари сони 12 тани ташкил этиб, улардаги компьютерлар сони 171 тани ташкил этади. Институтда жами 5 та сервер мавжуд бўлиб, улардан 1 та web-сервер, 1 та прокси-сервер ва 3 та MSSQL


Тошкент фармацевтика институти компьютерлар, локал ва Интернет тармоқлари тўғрисида маълумот



Тошкент фармацевтика институти компьютер синфларининг сони ва талабаларнинг компьютер билан таъминланганлик даражаси тўғрисида маълумот



Ўқув йили



серверларидир. Ахборот-ресурс марказида жами 27 та компьютер, 20 та компьютердан иборат компьютер зали мавжуд. Шу билан бир қаторда

АРМ нусха кўчириш ва нусха олиш аппаратлари билан таъминланган.

АРМда <http://armat.edu/> тизими Вазирлик

корпоратив тармоғидан фойдаланиш асосида йўлга қўйилган. АРМАТ тизимида ҳозирги кунда 4906 та библиографик ёзув мавжуд, ҳамда 639 нафар фойдаланувчилар рўйхатдан ўтказилган ва шахсий кабинет шакллантирилмоқда. Шу билан биргаликда институтда яратилган «Farmi INTRANET» маълумотлар базасида - электрон кутубхона базаси ҳам шакллантирилган. Унда институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий қўлланмалар, фанлардан ўқув-услубий мажмуалар жами 1500 дан зиёд адабиётлар жойлаштирилган. Электрон кутубхона базасидан Интранет ва Интернет тармоғи орқали фойдаланиш имкониятига эга.

Институтнинг Интернет тармоғида уланиш тезлиги – 4 Мб/сек, ТАС-IX тармоғига уланиш тезлиги 10 Мб/сек. Институт ҳудудидаги барча бинолар ягона локал тармоғига уланган. Корпоратив тармоқ қурилмалари алоҳида сервер хоналарда сақланади.

Институтдаги тармоқ хизматларнинг йўлга қўйилиши бўйича “Тошкент фармацевтика институти Ахборот тармоғидан фойдаланиш тартиби” ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Институт раҳбариятида АКТни жорий этилиши бўйича институт барча раҳбар ходимларининг ўз электрон почта манзилларига эга бўлиб, бошқа ташкилотлар билан ишлашда ўз электрон почта манзиллари ва институтнинг расмий (pharmi@bcc.com.uz) электрон почта манзилидан фойдаланилади.

Тошкент фармацевтика институтининг расмий веб-сайти (www.pharmi.uz) яратилган, Интернет тармоғида мавжуд. Расмий веб-сайтда институт бўйича статик ва таҳлилий маълумотлар акс эттирилган. Институт расмий веб-сайтнинг қонунчилик талабларига мос равишда тўлдирилмоқда.

Расмий веб-сайтда муассаса фаолияти бўйича таркибий тузилмаси, раҳбарият ҳақидаги маълумотлар, ягона телефон рақамлар (шу жумладан, ишонч телефонлари ҳам) мавжуд.

ЎзР ОЎМТВ нинг 2014 йил 7 апрелдаги «Олий таълим муассасаларида интерактив хизматларни ташкил этиш тўғрисида»ги 126-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, институт веб-сайти асосий менюсида 8 та бўлимдан ташкил топган Интерактив хизматлар саҳифаси очилган. Интерактив хизматларни йўлга қўйиш учун маъсуллар белгилан-

ган. Интерактив хизматлар бўйича маълумотлар тўлиқ берилган.

Институтда куйидаги ахборот тизимлари жорий этилган бўлиб, ҳозирги кунда ундан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жумладан:

1. “JFC” электрон ҳужжатлар алмашинуви тизими.

2. “БИС-2000”. Ҳисоб-китоб ишларини автоматлаштириш тизими.

3. “Karmat” тизими.

4. «UniTest» талабаларни рейтинг баҳолаш тизими.

5. “CARDS» дастурий таъминоти.

6. “УЗасбо” дастури бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби мажмуаси.

7. «Farmi INTRANET korporativ tarmog'i» маълумотлар базаси.

8. “Sams2” - тизимларни назорат қилиш.

Институтда фойдаланиб келинаётган «Farmi INTRANET korporativ tarmog'i» маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб, тизим учун ВГУ 00317 рақамли муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Институтда «JFC» электрон ҳужжат алмашиш тизими ишлаши йўлга қўйилган. Тизимдан 45 та фойдаланувчи фойдаланади, хусусан ректор, ректор қабулхонаси, проректорлар, ички назорат бўлими, ўқув бўлими ва деканатлар.

Институтда ички ижро интизомини назоратига қўмаклашувчи тизими «JFC» электрон ҳужжат алмашиш тизими ишлаши йўлга қўйилган

Талабалар билимини баҳолаш учун институтда «Универсал тест - Universal Test - Универсальный тест» - дастурий таъминоти (1.0.9 тармоқ версияси) қўлланилиб келинади. Ушбу тизим институтда тест олиш орқали билим даражаларини аниқлаш ва баҳолаш, ҳар хил турдаги аттестацияларни ўтказишга мўлжалланган. Тизим клиент-сервер технологиясига асосланган бўлиб, локал ҳисоблаш тармоғида ишлайди. Тизим интерфейси ўзбек ва рус тилларида ишлаш имкониятига эга бўлиб, тест олиш орқали тест топширувчилар билимларини аниқлаш, натижаларни жамлаш, таҳлил қилиш, ҳисобот ва қайдномаларни босмага чиқариш ишлари амалга оширилади. Тизим назорат (имтиҳон) ва машқ қилиш (ўқитиш) режимларида ишлай-

ди, ундан ўқитиш тизими сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Аппарати Кенгаши йиғилишининг 31-сонли баёни 6-бандида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли Қарори билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Тошкент фармацевтика институтида модулли ўқитиш тизими (moodle дастурий таъминоти) жорий этилган.

Институтда moodle дастурий таъминоти учун алоҳида сервер ажратилган бўлиб, куйидаги интернет манзиллари асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

<http://192.168.0.2/moodle/> – институт локал тармоғи орқали (Ички канал бўйича).

<http://moodle.pharmi.uz/moodle/> – Глобал интернет тармоғи орқали (Ташки канал бўйича).

Институт Ахборот технологиялари маркази ходимлари томонидан барча профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун логин ва пароллар шакллантирилган. Модулли ўқитиш тизимидан талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун фойдаланиш имкониятлари яратилган. Ҳозирги вақтда жами 1966 та фойдаланувчи рўйхатдан ўтган.

Институтда ўқитиладиган умумий фанлар сони 110 тани ташкил этади. Барча 110 та фан модулли ўқитиш тизимига жойлаштирилган. Жорий вақтда ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг фани бўйича курс элементларини жойлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда фанлар бўйича курс элементлари жойлаштирилганлик даражаси 85% ни ташкил этади. Талабалар бўйича гуруҳлар ташкил этилган. Бир неча фанлардан модулли ўқитиш тизими бўйича ўқитиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

“Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилинадиган <http://e-edu.uz> “Таълим” тизими таркибий элементлари ҳисобланган администратор бўлими, ходимлар бўлими, ўқув бўлими профессор-ўқитувчилар модуллари маълумотлар билан тўлдирилган, улар логин ва пароллар билан таъминланган ва ҳозирги кунда тизимдан тўлиқ фойдаланиб келинмоқда.

Тизимнинг барча бўлимлари яъни фойдаланувчилар, тузилма, иш ўрни, хоналар, бинолар, мутахассисликлар, гуруҳлар, ўқитувчи-

лар юкламаси, фанлар, ходимлар, талабалар, талабалар турар жойи, буйруқлар, электрон журнал тўлиқ маълумотлар билан тўлдирилиб борилмоқда. Тизимнинг электрон журнал бўлими бўйича институтнинг барча кафедралари профессор-ўқитувчилари учун логин ва пароллар тарқатилган. 2015-2016 ўқув йили бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан барча маълумотлар яъни талабалар давомати ва ўзлаштириш кўрсаткичлари тизимга киритилган.

Институтнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлари ва истиқбол режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Бунга мувофиқ институт прокси-сервериди “SAMS2”, “Kerio CONTROL” компьютер тизимлари орқали ахборот хавфсизлиги назорат қилинади ва институтнинг барча компьютерлари 2015-2017 йилга қадар химоя антивирус дастурлари билан таъминланган.

Хулоса: Мустақиллик йилларида институтда «Ахборот-коммуникацион технологиялар ва масофавий таълим» ривожини бўйича давр талабига мос равишда моддий-техникавий база бойитиб борилган ва бунинг натижасида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда.

Бу эса ўз навбатида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳамда ходимларнинг компьютер саводхонлигининг сон ва сифат жиҳатидан ошиб боришини кўрсатмоқда.

ФОЙДАНАЛИНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алимов Р.Х. ва бошқалар. Ахборот тизимлари. Ўқув қўлланма. Тошкент. “ТДИУ” 2013. –94-105 б.

2. Дистанционное обучение: Учеб. пособие / Под ред. Е.С. Полат. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. –192 с.

3. Григорьев С.Г., Гриншкун В.В. Технология информационного интегрирования в разработке учебников и учебных пособий для Интернет. – В кн. «РЕЛАРН-2001» Материалы конференции. — Петрозаводск, 2001. – 166-167 с.

4. <http://www.uza.uz> Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

5. <http://ccitt.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги.

6. <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.